

7. Маслов Д., Шестаков А., Мидхерст Д. Полезная модель EFQM: профилактика системы управления \ Электронный ресурс. https://quality.eup.ru/MATERIALY14/model_efqm.htm (дата обращения: 05.01.2022 г.).
8. Навруз-зода Л.Б. Бизнес субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини “КРІ” воситасида баҳолаш механизми // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнали. –Т., 2022. - № 3, - Б. 203-214.
9. Вяткин А.П. Экономические способности: понятие, сущность, структура. Известия Иркутской государственной экономической академии (ИГЭА), 2003, № 3-4 (36-37). 75-81. Электронный ресурс.<http://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskie-sposobnosti-ponyatie-suschnost-struktura> (28.02.2014 г.).
10. Карнышев А.Д., Винокуров М. А. Этнокультурные традиции и инновации в экономической психологии. - М.: Изд-во "Институт психологии РАН", 2010. - 480 с.
11. Вишнякова М. В. Миры и правда о КРІ / Худож. А. Васильева. — М.: Летопись, 2017. - 274 с.
12. Навруз-Зода Б.Н., Шомиев Г.У. Исторические предпосылки развития теории человеческого капитала. - Academy, 11 (14). - 2016. - С.19-21.

УДК рақами: 336.774
JEL Classification: H52, H75

Азиз Зикриёев

“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD. ТДИУ
 E-mail: a.zikriyoev@tsue.uz, Tel: + 998 90 319 16 14
 ORCID 0000-0002-4320-6549

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИК (UL) ИНДЕКС РЕЙТИНГИГА ТАЪСИРИ (ХМТнинг 167-сонли ”Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик” конвенциясининг ратификацияси мисолида)

Аннотация

Кириши. Ҳозирда жаҳон миқёсида касбий соғлиқ ва хавфсизликни (KCXT) бошқарув тизимининг халқаро интеграциялашувини тубдан такомиллаштириши мақсадида ўтиши даври иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар қурилиши саноатида хавфсиз иш муҳити ва маданиятини шакллантириши асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқот усули. Тўпланган рақамли маълумотлар асосида оддий тўғри чизиқли регрессия тенгламасидан, шунингдек, уни категорияли маълумотга айлантирган шаклини Ologit ҳамда GSEM кўп омилли эконометрик моделлари бўйича таҳлил қилинди. Натижалар STATA 16.0 дастури воситасида ҳисоблаб чиқилган.

Натижалар ва муҳокама. Қурилиши саноати ишчи-ходимларининг турли хил касаликларга чалиниши ва баҳтсиз ҳодисаларга учрашининг олдини олиши, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан аниқлашида ХМТнинг 167-сонли конвенциясини амалиётга тадбиқ этиши билан UL индекс ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Жумладан, кўп омилли оддий тўғри чизиқли регрессия тенгламаси (OLS), Ologit ва GSEM моделларидан фойдаланилди. F-тест, T-тест ва Chi2 тестларига мувофиқ қатор гипотезалар текширилди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли барқарор (Robust) бўлган қийматлар алоҳида белгиланди. Шунингдек, автокорреляция, мультиколлиниарлик ва гетероскедастлик текширувлари амалга оширилди.

Хулоса. Ривожланган мамлакатлар қурилиши саноатида қулай меҳнат шароитларини жорий этиши, иш жойларида рисклар бошқарувининг замонавий усуллари ва инсон омилининг юқори қадр-қимматини таъминлашга оид илм-фан тараққиётини амалиётга кенг тарзиб этмоқда. Шу жиҳатдан тузилган 2 та кўп омилли эконометрик (OLS ва

GSEM) моделлар республикамизда қурилиши саноатидаги иш жойларида касбий соглиқ ва хавфсликнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишида мақсадли фойдаланиши мумкин.

Калим сўз. *XMT, касбий соглиқ ва хавфсизликни бошқарии, халқаро интеграция, қурилиши саноати*

Introduction. *Currently, in order to fundamentally improve the international integration of the management system of occupational health and safety (OHS) at the world level, the formation of a safe work environment and culture in the construction industry of transition economies and developing countries is considered one of the main tasks.*

Research method. *Based on the collected numerical data, a simple straight-line regression equation, as well as the form that turned it into theoretical data, were analyzed according to Ologit and GSEM multifactor econometric models. Results calculated using STATA 16.0 software.*

Results and discussion. *There is a certain relationship between the UL index and the implementation of the ILO Convention No. 167 in the prevention of various diseases and accidents of construction workers, and in the early detection of possible risks. In particular, multifactor simple linear regression equation (OLS), Ologit and GSEM models were used. A number of hypotheses were tested according to F-test, T-test and Chi2 test. Values that were statistically significant stable (Robust) were marked separately. Autocorrelation, multicollinearity and heteroscedasticity tests were also performed.*

Conclusion. *Developed countries are widely promoting the development of science related to the introduction of comfortable working conditions in the construction industry, modern methods of risk management in workplaces and ensuring the high value of the human factor. 2 multifactor econometric (OLS and GSEM) models created in this regard are in our republic can be used for purpose in analyzing the effectiveness of occupational health and safety management activities at workplaces in the construction industry.*

Keywords. *ILO, occupational health and safety management, international integration, construction industry*

Кириш

Ҳозирги кунда жаҳон ЯИМнинг 13 фоизи айнан қурилиш саноатида яратилмоқда. 2030 йилга келиб жами яратилган иш ҳажми 65 фоизга ортиб (8 трлн. АҚШ доллары) умумий айланма 15,5 трлн. АҚШ доллари ташкил этиши шунингдек, жаҳон ЯИМнинг 15 фоиз улушига эришилиши кутилмоқда [1]. 2020 йилда жаҳон қурилиш саноатида 180 млн нафар ишчи-ходим банд бўлиб умумий иш кучининг 1,9 фоизини ташкил этмоқда [2].

Замонавий илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг бир қатор салбий оқибатларининг асосий сабаблари ишчи-ходимларнинг корпоратив ижтимоий жавобгарлик деган янги иборанинг тармоқларга кириб келиши 21-асрнинг барқаорор иқтисодий ўсиш меъзонини белгилаб берди. Бу эса, иш жойларида ижтимоий-иктисодий самарадорликни оширишга тўсқинлик қиласиган масъулиятсизлик, эътиборсизлик, тартиб-қоидалар ва буйруқларга бўйсунмаслик, билимсизлик, ишни режасиз ва тартибсиз ташкил этиш, сифатсиз бошқарув ва назорат сабабли ишчиларнинг жиддий зарар кўраётгани ҳатто, ўлим даражаси ортиб боришининг асосий мезонларига айланди. Шу нуқтаи-назардан қурилиш тармоқларида КСХТнинг илмий асосларини ўрганишда илгор хорижий тажрибалари ва халқаро ҳамкорлик ёндашувларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон қурилиш саноатида КСХТ борасида илк халқаро интеграциялашув меҳнат фаолиятида инсон ҳаёти ва хавфсизлигининг асосий ўрнини таъминлаш мақсади илгари сурилди. Бу эса, XMTнинг 1991 йил 11 январда кучга кирган 167-сонли "Қурилишда соглиқ ва хавфсизлик" конвенциясининг жорий этилишига сабаб бўлди [3].

Бу ташкилот фаолияти Филадельфия декларациясида (1944 йил) эълон қилинган қуидаги тамойилларга асосланади:

- мехнат товар эмас;
- сўз эркинлиги ва бирлашиш эркинлиги доимий таракқиётнинг зарурый шартидир;
- хар қандай жойдаги қашшоқлик умумий фаровонлик учун таҳдидлидир;

—ирки, эътиқоди ёки жинсидан қатын назар, барча одамлар эркинлик ва инсон қадр-кимматини ҳурматлаш, иқтисодий барқарорлик ва тенг имкониятлар шароитида моддий фаровонлик ва маънавий ривожланиш ҳуқуқига эгадирлар.

—ХМТга аъзо давлат у ёки бу Конвенцияни ратификациялаганда ундаги қоидаларни миллий қонун ҳужжатларида ва амалиётда қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

—ХМТ Тавсиялари унчалик мажбурий тусда бўлмасдан, сиёsat, қонунчилик ва амалий фаолият соҳасида қўлланма вазифасини бажаради.

—ХМТ ўзи фаолият юритаётган деярли 90 йиллик давр мобайнида илгор жамият ютуқлари саналмиш саккиз соатлик иш куни, оналики муҳофаза қилиш, ижтимоий суғурта тизими, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ҳамда амалиётга татбиқ этилишига бевосита ҳисса қўшди.

Шу муносабат билан, Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ; "...барча қурилиш фаолияти, хусусан, қурилиш, монтаж ва демонтаж ишлари, шу жумладан қурилиш майдончасидаги ҳар қандай жараён, эксплуатация ёки транспорт, участкани тайёрлашдан лойиҳани тутгатишгача" миллий қонунлар ёки қоидалар билан белгиланиши мумкин бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти тартибга солинади. Шу нуқтаи назардан, 4-моддага мувофиқ; "Ушбу Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир аъзо давлат хавфсизлик ва соғлиқ учун хавфларни баҳолаш асосида Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлайдиган қонунлар ёки қоидаларни қабул қилиш ва амалда сақлаш мажбуриятини олади".

Шунга кўра, Конвенция қоида тариқасида ва 3-моддага мувофиқ барча конларга нисбатан қўлланилди; "Миллий шарт-шароитлар ва амалиётни хисобга олган ҳолда ҳамда манфаатдор иш берувчилар ва ишчиларнинг энг вакиллик ташкилотлари билан маслаҳатлашувлардан сўнг, аъзо конларда хавфсизлик ва саломатлик бўйича изчил сиёsatни ишлаб чиқади, амалга оширади ва даврий равишда кўриб чиқади.

— ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш берувчи буни таъминлаши шарт;

— иш жойлари ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлигини хавф остига қўймаслик учун лойиҳалаштирилган, қурилган, жиҳозланган, бошқарилиши ва таъминланиши;

— ҳар қандай иш ваколатли шахснинг назорати остида амалга оширилади ва иш жойидаги жавобгарлик;

— маҳсус хавфли ишлар фақат кўрсатмаларга мувофиқ ва ушбу ишлар билан боғлиқ маҳсус тайёргарликка эга бўлган ваколатли шахслар томонидан амалга оширилади;

— барча хавфсизлик кўрсатмалари ходимлар тушунадиган воситалар билан тайёрланади.

— иш берувчи;

— соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик ҳужжатини тайёрлаш ва янгилашни таъминлайди;

— зарур рўйхатга олиш ва билдиришномаларни амалга оширади,

— иш жойида турли иш берувчиларнинг ходимлари бўлган тақдирда, ҳар бир иш берувчи ўз назорати остидаги иш учун жавобгардир. Шу билан бирга, бутун иш учун жавобгар бўлган иш берувчи ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни қўллашни мувофиқлаштиради.


Ҳозирги кунда мазкур Конвенцияни 32 мамлакат ратификация қилган бўлиб, қурилиш саноатида юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиб келмоқда (1-жадвал). Жадвалда мамлакатларнинг тўрт энг асосий кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда қурилиш саноатининг бугунги кун натижалари ифодаланган. Масалан, Белорусия ЯИМ 2020 йилда 65 млрд. АҚШ долларини ва аҳоли жон бошига 6600 АҚШ долларини, АҚШнинг Underwriters Laboratories гобал хавфсизлик индексида 61 рейтинг кўрсаткични қайд этиб, ХМТнинг 167-сонли конвенциясини 2001 йилда ратификация қилган маълумотлар умумлаштирилган [4]. Мазкур жадвал орқали мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти билан КСХТ ўртасидаги боғлиқликларни кўришимиз мумкин.

**1-жадвал. ХМТнинг 167-сонли ”Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик“
конвенциясининг ратификация қилган 32 мамлакат кўрсаткичлари (млрд. АҚШ
долларида) [5], [6], [7], [8]**

ID	Мамлакатлатлар	UL_индекс	Номинал_ЯИМ	Жон бошига ЯИМ
1	Албания	67	15.418	5.372
2	Жазоир	60	172.781	3.980
3	Беларусия	61	62.572	6.603
4	Бельгия	88	517.609	45.175
5	Боливия	52	42.401	3.670
6	Бразилия	76	1847.020	8.796
7	Хитой	72	14140.163	10.098
8	Колумбия	73	327.895	6.508
9	Чехия	83	246.953	23.213
10	Дания	92	347.176	59.795
11	Доминик	59	89.475	8.629
12	Финляндия	90	269.654	48.868
13	Габон	56	16.877	8.112
14	Германия	90	3863.344	46.563
15	Гватемала	48	81.318	4.616
16	Гвинея	33	23.587	2.742
17	Венгрия	81	170.407	17.463
18	Ироқ	54	224.462	5.738
19	Италия	84	1988.636	32.946
20	Қозогистон	67	170.326	9.139
21	Лесото	44	2.741	1.338
22	Люксембург	92	69.453	113.196
23	Мексика	64	1274.175	10.118
24	Черногория	73	5.424	8.703
25	Норвегия	94	417.627	77.975
26	Панама	68	68.536	16.245
27	Россия	68	1637.892	11.162
28	Сербия	73	51.523	7.397
29	Словакия	83	106.552	19.547
30	Швеция	93	528.929	51.241
31	Туркия	78	743.708	8.957
32	Уругвай	77	59.918	17.029

Бироқ, бир нечта ривожланган мамлакатларнинг “Касбий соғлиқ ва хавфсизлик” миллий қонунчилик тизими мазкур конвенциянинг амалиётга жорий этилмасидан олдин шаклланган бўлиб, ХМТнинг барча талаблари ва амалиётига тўлиқ мос келади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришда ходимларнинг оғир тан жароҳати олиши ва вафот этишига оид рақамларнинг юқорилиги Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро рейтингининг паст даражада қолаётганлигига ҳам ўз аксини топмоқда.



1-расм. Ўзбекистонда жароҳатларни камайтиришга оид хавфизлик ҳолати [9]

Хусусан, АҚШнинг “Underwriters Laboratories Inc” ташкилотининг Глобал хавфизликнинг миқдорий индекси бўйича Ўзбекистон 2020 йилда 58 рейтинг кўрсаткичи билан 102 ўринни кайд этган ва бу кўрсаткич ўртacha глобал кўрсаткичдан ҳам паст ҳисобланади (1-расм). Мазкур кўрсаткич Эстонияда 83, Россия Федерациясида 68, Қозоғистонда 67 ва Молдовада 58 тенг бўлган [10].

Тадқиқот усули

Тўпланган рақамли маълумотлар асосида оддий тўғри чизиқли регрессия тенгламасидан, шунингдек, уни категорияли маълумотга айлантирган шаклини эса, Ologit ҳамда GSEM моделларида таҳлил қилинди. Натижалар STATA 16.0 дастури воситасида аниқланди.

Тадқиқотнинг мақсади

Тадқиқотнинг асосий мақсади сифатида дунёнинг турли мамлакатлари томонидан ратификацияланган мазкур Конвенциянинг амалиётдаги самараодорлигига уларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдан иборат.

Натижалар

Таҳлиллар жараёнида АҚШнинг “Underwriters Laboratories Inc” ташкилотининг Глобал хавфизликнинг 100 баллик миқдорий индекси асос қилиб олинди.

Боғлиқ ўзгарувчи - АҚШнинг “UL_индекс”, рақамда (у);

Боғлиқ ўзгарувчилар: “Номинал_ЯИМ” ва “Жон_бошига миллий даромад” ўзгарувчилари танлаб олинган. Бинар шаклда мамлакатларнинг меҳнат шароитларининг хавфизлиги даражасини $1-69=0$, $70-100=1$ шаклда янги категорияли “Хавфсиз мамлакат” ўзгарувчиси тушиб олинди.

- таъсир ўзгарувчилар: $-x_1; -x_2;$
- категориал ўзгарувчи: $-x_3;$

2-жадвал. Ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси

Variable	Ob s	Mean	Std. Dev.	Min	Max
UL_индекс	2	1.656	15.671	3	94
Номинал_ЯИМ	2	924.517	2546.436	.741	1414
Жон_бошига~М	2	21.904	25.559	.338	11396
Хавфсиз мамлакатлар	2	.344	483	0	1
yhat	2	71.656	11.657	61.636	112.189
ehat	2	0	10.474	29.287	13.06

Бунда ўзгарувчиларнинг ўртacha қийматлари, стандарт оғишма ва уларнинг энг қуийи ва энг юкори қайд этилган қийматлари ифодаланган.

3-жадвал. Пирсон корреляция коэффициенти қийматлари**Pairwise correlations**

Variables	(1)	(2)	(3)
(1) UL_индекс	1.000		
(2) Номинал_ЯИМ	0.108 (0.557)	1.000	
(3) Ё-Жон_бошига_ЯИМ	0.732 (0.000)	-0.030 (0.872)	1.000

Юқоридаги жадвалда Пирсон корреляция коэффициенти асосида ўзаро боғлиқлик қийматлари аниқланди. Унга кўра, мамлакатда аҳоли жон бошига тушадиган миллий даромад билан UL_индекс ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд ва у $p>0.05$ қиймат оралиғида статистик жиҳатдан аҳамиятлидир (3-жадвал).


4-жадвал. Спирман корреляция коэффициенти қийматлари

Variables	(1)	(2)	(3)
(1) UL_индекс	1.000		
(2) Номинал_ЯИМ	0.515	1.000	
(3) Жон_бошига_ЯИМ	0.910	0.532	1.000

Spearman rho = 0.532

Шу балан бирга Спирман корреляция коэффициенти натижасига кўра, қатор қийматлар хисоблаб топилди (4-жадвал).

Асосий тасвирий статистика тестларида ҳисобланадиган қийматларнинг нормал тақсимот графигига кўра, 2 ўзгарувчи яъни, UL_индекс ва Жон_бошига_ЯИМ қуйидаги расмда ўз ифодасини топди.

**2-расм. Ўзгарувчиларнинг нормал тақсимот графиги**

Бир қарашда хулоса қилиш мушкул бўлган мазкур графикни СК тест асосида текширганимизда қуйидагича натижа аниқданди (5-жадвал):

5-жадвал. СК тест натижалари қиймати


Variables	Obs	Pr(Skewness)	Pr(Kurtosis)	adj_chi2()	Prob>chi
		(a)	(b)	(c)	(d)
UL индекс	32	0.229	0.849	1.600	0.450
Номинал ЯИМ	32	0.000	0.000	44.560	0.000
Жон_бошига_ЯИМ	32	0.000	0.003	17.910	0.000

Тест натижаларига кўра, UL_индекси $p>0.05$ оралиқда 0.450 қиймат билан катта натижада этиб H_0 гипотезани қабул қилиниши, яъни қийматлар нормал тақсимланган бўлиб топилмоқда. Колган қийматлар юзасидан H_0 гипотеза рад этилмоқда.

Шу билан бирга Жарк-Бера тести бўйича муқобил нормал тақсимот тестига ҳам текширганимизда натижаларнинг ўхшашлиги исботланди.

Jarque-Bera test for H_0 : normality

UL_индекс) 1.374	(Chi(2) .5031
Номинал ЯИМ) 714.2	Chi(2) 8.e-156
Жон бошига ЯИМ) 37.55	Chi(2) 7.0e-09
Jarque-Bera test for H_0 : normality:	



3-расм. Ўзгарувчилиарнинг Graph box тақсимот графиги

Graph box графигида биз биринчи кварталдан учинчи чоракка қадар кути чизамиз. Вертикал чизиқ медианадаги қутидан ўтади. Қийматларнинг 75 фоизи рангли юзада жойлашган бўлиб мос равища оралиqlарни ифодалайди.

6-жавал. Кўп омилли оддий регрессия тести натижалари

Linear regression

UL_индекс	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf	Interval]	Sig
Номинал_ЯИМ	.001	.001	.04	.305	-.001	.002	
Жон_бошига_ЯИМ	.451	.076	5.93	0	.296	.607	**
Constant	61.03	2.648	23.04	0	55.613	66.447	**
Mean dependent var	71.656				SD dependent var	15.671	
R-squared	0.553				Number of obs	32	
F-test	17.960				Prob > F	0.000	
Akaike crit. (AIC)	246.126				Bayesian crit. (BIC)	250.523	

*** $p<.01$, ** $p<.05$, * $p<.1$

Тўғри чизиқли регрессия тести натижалари кўра, F-тест р қиймати статистик жиҳатидан аҳамиятли яъни, мустақил ўзгарувчилиарнинг коэффицентлари 0 га teng деган H_0 гипотезани ража эта оламиз. Ёки, мустақил ўзгарувчилиарнинг боғлиқ ўзгарувчига хеч қандай таъсири йўқ.

Демак, 32 та қузатувлар сони билан 167-конвенцияни ратификация қилган мамлакатлар номинал_ЯИМ ҳажмининг бир бирликка ортиши UL_индексдаги натижаларини 001 бирликка яхшилайди;

Аҳоли жон бошига ЯИМнинг бир бирликка ортиши натижасида UL_индексдаги натижаларини .451 бирликка яхшилайди ва статистик жиҳатидан аҳамиятли;

Сетерис-Парибус ҳолатида UL_индексдаги натижалар 61.03 бирлик билан статистик жиҳатидан аҳамиятли деб топилмоқда.

$R^2 = 0,53$ ни ташкил этиб, UL_индексдаги натижалар танланган 2 мустақил ўзгарувчилар томонидан моделнинг 53 фоизини изоҳламоқда деб айтиш мумкин (6-жадвал).

$$\hat{Y} = 61,03 + 0,01x_1 + 0,451x_2 + e \quad (1)$$


$$R^2 = 0,53, F = 17.960, Bayesian crit = 250.523$$

Мультиколлиниарлик муаммосини ўрганишда биз навбатдаги таҳлилни амалга оширидик. Натижага кўра, қийматлар 10 дан паст бўлиб 1.000 ни ташкил этди (7-жадвал).

7-жадвал. Мультиколлиниар тест натижалари (Variance Inflation Factor)

VIF	1/VIF
1.000	0.999
1.000	0.999
1.000	

Гетроскадастрик муммоси эса куйидаги графикда ифодаланиб ўзгарувчилар қийматларининг қолдиқлари нормал тақсимланганини аниқланди.



4-расм. UL_индекс қийматлар қолдиқларининг нормал тақсимланиш тест натижадари

UL_индекс қолдиқларининг нормал тақсимотини аниқлашда Breusch-Pagan тестидан фойдаланилди. Бунда H_0 гипотеза вариациялар ўзгармас шаклида қўйилган бўлиб биз икки шаклдаги қийматларда ҳам қолдиқлар ҳомоскадастриклика (гетероскедастрик - кўп омили эконометрик модел тасодифий хатосининг бир хил бўлмаган дисперсиясида ифодаланган кузатувларнинг гетерогенлигини билдиради) эга (7-жадвал) [11].

7-жадвал. Breusch-Pagan гетерогенлик тест натижалари

Breusch-Pagan / Cook-Weisberg test for heteroskedasticity	
Ho: Constant variance (Numerical)	Ho: Constant variance (Categorical)
Variables: fitted values of UL_индекс	Variables: Хавфсиз мамлакат

chi2(1) = 0.00	chi2(1) = 0.03
Prob > chi2 = 0.9749	Prob > chi2 = 0.8538

Моделнинг ANOVA жадвалида биз уhat-қолдиқлар ва ehat-хатоликлар қийматини аниқлаб олдик. Лекин, Т-тест натижаларига батафсил тўхталиш мақсадида уларни 3 босқичда амалда оширилди.

8-жадвал. Paired t test : UL_индекс Хавфсиз

Variable	Obs	Mean	Std. Err.	Std. Dev.	[95% Conf. Interval]
UL_индекс Хавфсиз	32	71.65625	2.77031	15.67124	66.00617 77.30633
	32	.34375	.0853051	.4825587	.169769 .517731
diff	32	71.3125	2.704699	15.30009	65.79623 76.82877

mean(diff) = mean(UL_индекс - Хавфсиз) $t = 26.3661$
Ho: mean(diff) = 0 degrees of freedom = 31
Ha: mean(diff) < 0 Pr(T < t) = 1.0000 Ha: mean(diff) != 0 Pr(|T| > |t|) = 0.0000 Ha: mean(diff) > 0 Pr(T > t) = 0.0000

Тахлил натижасига кўра, H0-гипотеза UL_индекс ва Хавфсиз мамлакат ўзгарувчилар қийматларининг ўртачаси teng ($p=0$). Биз муқобил гипотезани қабул қилишимиз лозим жиҳатидан тестнинг р қийматига эътибор қаратсак, ўзаро фарқлар нолдан катта қийматга эга гипотезани қабул қиласиз (8-жадвал).

Қолдиқлар ва хатоликлар ўртачалари ўзаро teng деган навбатдаги H0 гипотезани текширамиз .

9-жадвал. Paired t test : yhat==ehat

Variable	Obs	Mean	Std. Err.	Std. Dev.	[95% Conf. Interval]
yhat ehtat	32	71.65625	2.060663	11.65687	67.4535 75.859
	32	-1.86e-08	1.851563	10.47402	-3.776287 3.776287
diff	32	71.65625	2.77031	15.67124	66.00617 77.30633

mean(diff) = mean(yhat - ehat) $t = 25.8658$
Ho: mean(diff) = 0 degrees of freedom = 31
Ha: mean(diff) < 0 Pr(T < t) = 1.0000 Ha: mean(diff) != 0 Pr(|T| > |t|) = 0.0000 Ha: mean(diff) > 0 Pr(T > t) = 0.0000

Жадвал қийматларига кўра ўзаро фарқлар нолга teng эмас, балки нолдан кичик бўлиб топилмоқда. Биз муқобил гипотезани танлаймиз ва $p<0$ қийматда статистик жиҳатдан аҳамиятлидир (9-жадвал).

Ратификация қилган 32 мамлакатнинг қайд этган UL_индекс қўрсаткичларининг 69 бал оралиғидаги хавфсиз иш ўринлари ҳамда 70 дан 100 оралиғида юкори хавфсизликни таъминлай олган мамлакатлар қийматларининг ўртачаси teng сифатида Т тест қийматлари ҳам муқобил гипотезани қабул қилган ҳолатда яъни, $p>0$ қийматда статистик жиҳатдан аҳамиятлидир (9-жадвал).


10-жадвал. “Хавфсиз мамлакат” категорияли ўзгарувчи Т-тести

Group	Obs	Mean	Std. Err.	Std. Dev.	[95% Conf. Interval]
0	21	63	2.591194	11.87434	57.59486 68.40514
1	11	88.18182	1.400118	4.643666	85.06216 91.30148
combined	32	71.65625	2.77031	15.67124	66.00617 77.30633
diff		-25.18182	3.743978		-32.82804 -17.5356

diff = mean(0) - mean(1) $t = -6.7260$
 $H_0: \text{diff} = 0$ degrees of freedom = 30

Ha: diff < 0 $\Pr(T < t) = 0.0000$ Ha: diff != 0 $\Pr(|T| > |t|) = 0.0000$ Ha: diff > 0 $\Pr(T > t) = 1.0000$

5-расмда шуни кўриш мумкинки, ҳисобланган кўп омили эконометрик моделда асимметрия унчалик катта бўлмаган. Бу эса моделнинг ўрганилаётган жараёнга мос келишини кўрсатмоқда. Қолдиқ ва хатоликлар қийматининг нормал тақсимоти тестларини давом эттирган ҳолда унинг графикда мослих даражаси қуидагичадир.



5-расм. Натижавий омил қолдиқ ва хатоликлар қийматининг нормал тақсимот графиги

СК тестга кўра фақатгина хатоликлар (e_{hat}) нормал тақсимланган бўлиб аниқланмоқда. H₀ гипотеза - қийматлар нормал тақсимланган шаклида бўлиб, биз уни $p>0.05$ қийматида рад этишимиз зарур. Шу жиҳатдан регрессия тенгламасидаги фарқлар нормал тақсимлаган (10-жадвал).

11-жадвал. Натижавий ўзгарувчи хатолик ва қолдиқларининг нормал тақсимот СК тести

Variables	obs	Pr(Skewness)	Pr(Kurtosis)	adj_chi2(2)	Prob>chi2
yhat	32	0.000	0.007	15.940	0.000
e _{hat}	32	0.021	0.348	5.860	0.053

Категорияли ўзгарувчи сифатида “Хавфсиз мамлакат” тузиб олинган бўлиб мамлакатларни муайян оралиқдаги натижалари моделга киритилди. Бу эса логистик регрессия деб номланиб Ologit тестига мувофиқ текширилди (12-жадвал).

12-жадвал. “Хавфсиз мамлакат” категорияли ўзгарувчи логистик регрессия тести

Logistic regression	Number of obs	=	32
	LR chi2(2)	=	13.80
	Prob > chi2	=	0.0010
Log likelihood = -3.057127	Pseudo R2	=	0.6929

Хавфсиз	Coef.	Std. Err.	z	P> z	[95% Conf. Interval]
Номинал_ЯИМ	.0092625	.017528	0.53	0.597	-.0250917 .0436167
Жон_бошига_ЯИМ	1.276369	.8980392	1.42	0.155	-.4837555 3.036493
_cons	-5.319163	3.878045	-1.37	0.170	-12.91999 2.281664

Натижага кўра, Chi 2 тести (H_0 гипотеза - Хавфсиз мамлакат мустақил ўзгарувчилар билан ўзаро муносабатга эга эмас) $p<0.001$ кийматида рад этилиб, мукобил гипотеза қабул қилинмоқда. Ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик моделнинг сифатини Пседо детерминация коэффициенти орқали баҳолаймиз ва у 69 фоизни ташкил этмоқда.

Демак:


- мамлакатларнинг номинал ЯИМ маҳсулот ҳажмининг бир бирликка ортиши билан UL индексда 70 балл қайд этган мамлакатларда иш жойларида касбий соғлиқ ва хавфсизлик 0.009 бирликка яхшиланади;
- Аҳоли жон бошига тушадиган миллий даромаднинг бир бирликка ортиши билан UL индексда 70 балл қайд этган мамлакатларда иш жойларида касбий соғлиқ ва хавфсизлик 1.276 бирликка яхшиланади.

$$\hat{Y} = -5,31 + 0.09x_1 + 1.276x_2 + e \quad (2)$$

*Pseudo R*² = 0,69, *Chi* 2 = 13.00, *p* = 0.001

Лекин, ушбу омилларнинг ишончлилиги бўйича Т-Стьюодент мезонининг ҳисоблаган қийматлари ҳам жадвал қийматларидан катта эканлиги тасдиқланди. Унга кўра, H_0 гипотеза рад этилмаслиги сабабли статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиб ҳисобланмоқда. Натижа эса, қабул қилиб бўлмаслиги туфайли биз қийматларни 3-моделда текшириб кўрамиз.

Категорияли ўзгарувчилар таҳлил қилишда чизиқли бўлмаган GSEM деб номланувчи моделдан фойдаланилди.



6-расм. “Хавфсиз мамлакат” категорияли ўзгарувчи GSEM тести

Бир қатор устунликка (Readable, writable and visual) эга бўлган маскур модел ҳақиқатга максимал ўхшашлик (maximum likelihood) услубида ҳисоб-китобларни амалга оширади.


Шу билан бирга таҳлил жараёнида биз моделни тушиб қолган қийматлар билан бирга ҳисоблагандаги ҳақиқатга максимал ўхшашлик шартида модел барқарорлигини (Robust regression with missing value-MLMV) текширдик.

Таҳлилга кўоя:

- иш жойларида касбий соғлиқ ва хавфсизликни таъминлаш учун мамлакатлар номинал ЯИМ маҳсулот ҳажмини $-3.84e-06$ бирликка ошириш лозим (Кронбах-Альфа тестига кўра ”ЯИМ маҳсулот ҳажмини” тескари муносабатга эга) [13];
- Аҳоли жон бошига тушадиган миллый даромаднинг бир бирликка ортиши билан 32 мамлакат иш жойларида касбий соғлиқ ва хавфсизлик $.0145$ бирликка яхшиланади.

$$\hat{Y} = .0284 - 3.84e - 06 x_1 + .0145x_2 + 0.91 \quad (3)$$

*Pseudo R*² = 0,69



7-расм. GSEM моделида мустақил ўзгарувчиларнинг ҳатолик қиймати графиги

Юқоридаги расмдаги регрессия чизига мувофиқ “Номинал ЯИМ маҳсулот ҳажмини” ночизиқли функцияда тасвирланган бўлса, “Аҳоли жон бошига тушадиган миллий даромад” қизил рангда тўғри чизиқли функцияда намоён бўлмоқда. Бу эса, GSEM модели аҳамиятлиги юқори бўлиб топилмоқда (7-расм). Кўк ранг эса, қийматлардаги хатоликлар бўлиб ҳисобланади. Бу эса, қийматларнинг регрессия чизигидан чекланиши ёки узокда жойлашувларни англаради.

Муҳокама

Тадқиқот жараёнида ХМТнинг 167-сонли ”Курилишда соғлик ва хавфсизлик” конвенциясининг ратификация қилган 32 мамлакатлар иқтисодий тараққиёти глобал хавфсизлик (UL) индекс рейтингига таъсири ўрганилди. Бунда ўзгарувчilar сифатида UL хавфсизлик индекси (Underwriters Laboratories UL Safety Index) ва Жаҳон банкининг 2020 йилдаги 32 мамлакатнинг ЯИМ миқдори ҳамда аҳоли жон бошига миллий даромадлари танлаб олинган. Тадқиқот жараёнида мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти натижасида ХМТнинг 167-сонли конвенцияси билан иш жойларида касбий соғлик ва хавфсизликни бошқариш ўртасидаги муносабатни аниқлаш лозим эди.

Макондаги маълумотлар (Cross sectional) сифатида биз биринчи текширувимизда кўп омилли оддий тўғри чизиқли регрессия моделидан фойдаландик. Бунда “Номинал ЯИМ” мустақил ўзгарувчи статистик жиҳатдан аҳамиятсиз деб топилди. Детерминация коэффициенти 53 фоизга тенг бўлиб изоҳланиш ўртачага тенгdir.

Иккинчи тест бу натижавий ўзгарувчини категорияга айлантирган ҳолда моделга киритилганда аниқланган бўлиб унда Т-тест хulosасига кўра икки мустақил ўзгарувчи статистик жиҳатдан аҳамиятсизлиги аниқланди.

“Хавфсиз мамлакат” деб номланувчи категорияли ўзгарувни GSEM моделида текширганимизда натижашар танланган моделнинг барқарорлигини исботлади. Чунки, мазкур модел ўзаро муносабатлар ночизиқли функцияга асосланиши аниқланди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тузилган 2 та кўп омилли эконометрик (OLS ва GSEM) моделлар республикамида курилиш саноатидаги иш жойларида касбий соғлик ва хавфсликни бошқарув фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда мақсадли фойдаланиш мумкин. Зоро, 2022 йцл июнь ойида Ўзбекистон ХМТнинг ушбу конвенциясини ратификация қилди [14]. Лекин сўнгти йилларда мамлакатимиз қурилиш саноатида турли жароҳатлар, иқтисодий-ижтимоий заарлар шу билан бирга бевақт ўлим кескин равишда ортиб бормоқда. Тадқиқотимиз натижаларини қайд этилаётган нохушликлар ҳамда йўқотишларнинг олдини олиш, камайтириш ва уларни ноль даражага туширишда иш жойларидаги хавф-хатарларни бошқаришнинг илмий асослари бўла олади. Конвенциянинг жами 44 моддасида назарда тутилган долзарб тавсиялар келажак тадқиқот кузатувлари остида қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1] http://www.globalconstruction2030.com/assets/press/2030/GC2030_Press_Release
- [2] <https://constructionblog.autodesk.com/construction-industry-statistics/>
- [3] https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ILO
- [4] https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ILO_7
- [5] <https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=normlexpub:11300::no:11300:p11300>
- [6] <https://www.ul.com/news/underwriters-laboratories-inc-discontinues-ul-safety-index>
- [7] <http://statisticstimes.com/economy/projected-world-gdp-ranking.php>
- [8] <https://www.imf.org/external/datamapper/ngdpdpc@weo/oemdc/advec/weoworld>
- [9] <https://ulsafetyindex.org/country/Uzbekistan>
- [10] David Wroth, Ahreum Han. The UL safety index, Quantifying the global state of safety 205 The UL Safety Index: quantifying safety around the world. P.18.

- [11] <https://www.real-statistics.com/multiple-regression/heteroskedasticity/white-test-for-heteroskedasticity/>
- [12] H. Haupt, W. Oberhofer, Fully restricted linear regression: a pedagogical note, *Econ. Bull.* 3 (2002) 1–7
- [13] C.R. Rao, Representations of best linear unbiased estimators in the Gauss–Markoff model with a singular dispersion matrix, *J. Multivariate Anal.* 3 (1973) 276–292
- [14] <https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:11110:0::NO::P1>

УДК 631.1

Khoshimov Pazliddin Zuhurovich

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor,
The National University of Uzbekistan,

hoshimov51@mail.ru

Kholmirzaeva Makhliyo

4-year bachelor's degree
The National University of Uzbekistan,
makhliyokholmirzaeva@gmail.com

GOVERNMENT SUPPORT OF ORGANIC AGRICULTURE

Abstract: This article discusses the essence of the term organic agriculture, what tasks it performs, and the main principles used in the development of organic agriculture. The article contains opinions about the increasing number of the world's population, which is considered one of the urgent problems of today, and the increasing demand for consumption, the need to use limited resources wisely to meet unlimited needs, and to use alternative methods that do not pose a chemical threat to the environment, humanity and biological diversity. The importance of the development of organic agriculture in effectively solving the problem has been shown on the basis of the world experience of this phenomenon and the results of the analysis of the situation in the territory of Uzbekistan.

Key words: Organic agriculture, biological activity, encyclopedia of plants, agrosystem, natural resources, environmental degradation, ecological activity, ecosystem.

Аннотация: В данной статье рассматриваются сущность органического сельского хозяйства, его основные задачи, а также принципы, используемые при развитии органического сельского хозяйства. Одной из актуальных проблем современности является рост числа населения Земли и увеличение спроса на потребление, необходимость использования альтернативных методов, не представляющих химической угрозы для окружающей среды, человечества и биологического разнообразия при удовлетворении неограниченных потребностей, разумном использовании ограниченных ресурсов. На основе мирового опыта данного феномена и анализа результатов положения на территории Узбекистана показано важность развития органического сельского хозяйства в эффективном решении данной проблемы.

Ключевые слова: органическое земледелие, биологическая активность, энциклопедия растений, агросистема, природные ресурсы, деградация окружающей среды, экологическая деятельность, экосистема.

INTRODUCTION

Humanity has been trying to satisfy its needs from the time of its creation until now. Naturally, limited economic resources are used in this process. There is no doubt that this human activity has a significant negative impact on the environment. If the stages of the economy, from production to consumption, are well planned, it is possible to reduce the damage to the